




ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 10 июн, шанба №83 (915)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ЭРОНГА ЖўНАБ КЕТДИ



9 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ЭКО) аъзо давлатлар раҳбарларининг олтинчи учрашувида иштирок этиш учун Техронга жўнаб кетди. Мазкур сафар чоғида мамлакатимиз раҳбари Эрон Ислам Республикасига амалий ташрифни ҳам адо этади. Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берар экан, жумладан, шундай деди:

Икки йилдирки, Ўзбекистон

Баъзи давлатлар савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар четда қолиб, ўз манфаатига мос сиёсий масалаларга ургу беради. Яъни, ўзини «катта оға» чоғлаб, бошқа мамлакатларга таъсирини ўтказмоқчи бўлади. Бу биз учун мутлақо маъқул эмас.

Сарахс-Тежан-Машҳад темир йўли орқали Форс кўрфазидега портларга чиқиш имкониятига эга бўлди. Натижада мамлакатимизга товар олиб кириш ва олиб чиқиш таъминан етти баробар кўпайди. ЭКОнинг бошланмаж йиғилишида мен мана шу йўлни янада кенгайтиришни тақдир қилмоқчиман. Тан олишимиз

керак, Эрондаги барқарорлик ва тартиб тўғрисида бўлган ташаббусларни ўзaro бирлаштириш ҳаракати қилиши зарур. Пойтахт аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир Ҳ.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаев ва бошқа расмий кишилар қутатиб қолди.

Анвар КАРИМОВ, ЎЗАМХБИРИ.

учрашуларда кўплаб масалалар ҳусусида фикр алмашилаётгани бор гап. Бирок, фикримча, агар Афғонистонда барқарорлик ва тинчлик ўрнатилмас экан, ЭКО доирасида ишлаб чиқилаётган лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида гапиришни ўзи беҳуда. Зеро, минтақа доирасида амалга ошириш мўлжалланаётган деврли барча режаларнинг тақдирини мана шу муаммага тақалганча турибди.

Минтақа давлатларининг иқтисодий тараққиёти Афғонистондаги тинчликка боғлиқ бўлиб қолгани сабабли бу муаммони ҳал қилишга мазкур ҳудудда яшовчи халқларнинг ўзи киришиши зарур. Билямов, Босния ва Герцеговина, Косово можароларига барҳам бериш борасида БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлган беш давлат ўзининг зўр саяё-ҳаракатини намойиш этди. Бирок, Афғонистон масаласига келганда улар, неча йилки, фақат қуруқ гап-сўзлар билан чекланиб қоляпти. Шундай экан, Афғонистон муаммосини ҳал этиш учун, аввало, ЭКОга аъзо мамлакатлар ўзаро бирлаштириш ҳаракати қилиши зарур.

Пойтахт аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир Ҳ.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаев ва бошқа расмий кишилар қутатиб қолди.

Анвар КАРИМОВ, ЎЗАМХБИРИ.

САМАРҚАНД ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров ўз аризасига биноан вазифасидан озод этилди. «Ўзавтотранс» корпорацияси раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан ишлаб келаётган Пўлат Абдурахмонов Самарқанд шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди. (ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ САИД АҲМАДГА

Мухтарам Саид Аҳмад ака! Сизни ҳаётингиздаги қўлуғ кун - табаррук 80 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Халқимиз Сизни миллий маданиятимиз равақиға улкан ҳисса қўшган бетақроп сўз санъаткори, захматкаш адиб сифатида билади ва қадрлайди. Ортимизда сеҳрли қаламнингизга мансуб гўзал романлар, рангбаранг қисса ва ҳикоялар, саҳна асарлари кириб бормаган хонадон йўқ. Улардаги ҳаёт манзаралари, инсоннинг нозик қалб кечинмалари тасвири ўзининг миллийлиги, халқили ва теранлиги билан адабиёт мўҳлисларининг меҳрига сазовор бўлган.

Миллатимиз руҳининг бадий ифодаси бўлмиш «Уфқ» романи, жаҳоннинг турли мамлакатларида намойиш этилаётган «Келинлар кўзғолони» драмаси бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Сиз босиб ўтган умр ва ижод йўли халқимиз ҳаётини, унинг яқин тарихини бутун мураккабликлари билан ўзида мужассам этган. Шу боис, нафақат бизнинг замондошларимиз, балки келгуси авлодлар ҳам халқимизнинг ўзига хос олижаноб фазилатлари, унинг бошига тушган оғир синовлар, бу йўлда аждодларимиз кўрсатган матонат ҳақида сизнинг асарларингиз орқали тасаввурга эга бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, сизнинг букилмас ирода ва қатъият билан давр бўронларидан мардона ўтиб, халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқётган мана шу овоз замонга етиб келганингизда ҳам теран рамзий маъно бор. Бу, одам яхши ният йўлида сабр-қаноат билан меҳнат қилса, албатта бахтли кунларга эришади, деган қадим ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлайди.

Қадрили Саид Аҳмад ака!

Бугунги таваллуд айёмингиз янги маъно-мазмун билан бойиб бораётган миллий адабиётимизнинг, бутун халқимизнинг байрамидир. Эл-юрт хизматида ўтаётган умрингизга умр қўйилсин. Узоқ йиллар адабиётимизнинг азиз оқсоқли, ёшларимизнинг меҳрибон ус-този бўлиб юринг.

Чексиз эҳтиром билан

Ислам КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЭКО - ҲАМКОРЛИК ДЕМАК

Дунёда бирон-бир мамлакат ўз қобилига ўралиб, бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилмасдан тараққиётга эришган эмас. Ота-боболаримиз қадимда бунини яхши билишган. Шарҳ ва Фарб мамлакатларини бир-бирига боғлаган Буюк Илқ йўли ҳам доимий тижорий ва маданий алоқаларга интилиш тўғрисида кузга келган. Ана шу тарихий йўлнинг марказида жойлашган Ўзбекистон асрлар давоминда динлар, миллатлар ва маданиятларнинг туташув нуктаси бўлган. Инсониятнинг муштарак мулкига айланган кўплаб оламшумул кашфиётлар айнан шу заминда тўпилганлиги ҳам бежиз эмас.

ЭКОга 1964 йилда асос солинган эди. Ушундан Эрон, Туркия ва Покистон давлат раҳбарлари учрашувида ўзаро иқтисодий алоқаларни кучайтиришга қаратилган халқаро ташкилот тузишга қарор қилинди. Уни «Тараққиёт учун минтақавий ҳамкорлик» ташкилоти деб аташди. Қисқа вақт ичида тижорат, почта алоқалари, ҳаво, сув ва тошйўллардаги қатновлар бўйича бир қатор келишувларга эришилди. Кейинчалик ташкилот номи «Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти» деб ўзгартирилди ва инглизча номининг бош ҳарфларида қисқача ЭКО деб атала бошланди. 1992 йилда Ўзбекистон қатори барча Марказий Осиё республикалари ва Афғонистон (Раёбоний ҳукумати) мазкур ташкилотга аъзо бўлиди.

ЭКОга аъзо давлатлар раҳбарларининг илк учрашуви 1992 йилда Техрон шаҳрида бўлиб ўтган эди. Шундан сўнг 1993 йили Истанбулда, 1995 йили Исламободда, 1996 йили Ашхободда ва 1998 йили Алматы шаҳрида олий даражадаги учрашувлар ўтказилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов 1996 йил 12-13 май кунлари Тежан - Сарахс - Машҳад темир йўлининг очилишида ва Ашхобод шаҳрида ўтказилган ЭКО саммитида иштирок этган эди. Маълумки, Марказий Осиёни Форс кўрфазига боғлаган ва айни пайтда Трансасийё темир йўлининг таркибий қисми бўлган 295 километрик янги темир йўлининг Туркменистон қисми қурилишида ўзбекистонлик қурувчилар ҳам фаол иштирок этган эдилар.

(Давоми 2-бетда)

ЭЛ РИЗКИ НОБУД БЎЛМАСИН

Самарқанд вилоятида айни кунларда галла ўрми-йиғини жадал қиришди. Кишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи - пахтачиликда гўза парваришини жадаллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Эл ризк-рўзи - галлани нес-нобуд қилмай қисқа муддатда ушқоқлик билан йиғиштириб олиш, бунинг учун барча имконият ва воситалардан самарали фойдаланиш, шунингдек, барча майдонларда гўза парваришини юксак агротехника талаблари асосида ташкил этиш масалаларига бағишланган йиғилишида ана шу ҳақда гап борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган тадбирда қишлоқ хўжалиги, ички ишлар вазирилари вакиллари, вилоят раҳбарлари, туман ҳокимлари, мутахассислар иштирок этди.

Йиғилишида галлани ўз вақтида саранжомлаб олиш борасидаги ишлар атрофида таҳлил этилди. Айрим туманларда гўзани парварилашда лоқайдликка йўл қўйилаётгани кескин танқид қилинди. Хусусан, далага маҳаллий ўғит чиқариш, суғориш ҳамда гўза касалликлари ва зараркунанда ҳашоратларга қарши кураш борасида Челақ, Пайарик, Оқдарё, Иштихон туманларида ишлар ўлда-жўлда экани таъкидланди. Ушбу камчилик ва нуқсонларга тезда барҳам бериш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. (ЎЗА).

МАТБУОТ ВА ДАВР

Республика Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва кўлаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг фаолиятига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда марказий нашрларнинг бош муҳаррирлари, тегишли кўмита ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Маълумки, Президентимиз Ислам Каримов матбуот тўғрисида доимий равишда гамхўрлик қилиб келмоқда. Чунончи, республикамиздаги даврий нашрларни кўлаб-қувватлаш, журналистлар фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва кўлаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳам ана шундай мақсадларда тузилган эди. Бугунги кунда юртимизда турли йўналиш ва мазмунидаги етти юздан зиёд газета ва журнал чоп этилмоқда. Кўлаб теле ва радио компания ҳамда студиялар фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўз ишининг устаси бўлган минглаб журналистлар меҳнат қиладди. Жамғарманнинг «Йилнинг энг яхши журналисти», «Энг улуғ, энг азиз», «Наврўз» - боқий байрам»

«Хуқуқ ва бурч», «Офарин» сингари таловларга бош-қош бўлаётгани замирида ана шундай жонқур ва фидойи ижодкорларни моддий ва маънавий кўлаб-қувватлашдек хайрли мақсадлар ётади. Республика Конституцион суди, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Олий ҳужалик суди, Халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар ҳам жамғарманнинг миллий матбуотимизни янада демократлаштириш борасида қилаётган хайрли ишлари сирасига қиради.

Бирок тузилганига уч йил тўлган жамғарманнинг ҳали баҳарражақ юмушлари, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолари, режалари ундан да кўпроқ эканига анжуманда алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, соҳага хорижий сармояларни жалб этиш, замон талабига жавоб беришни қадрлар тайёрлаш, журналистларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш борасидаги ишларни жонлантириш лозим.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев қатнашди. (ЎЗА).

риевларнинг жонбозликлари муҳим рол ўйнади. — Корхона томонидан оромгоҳни мавсумга тайёрлаш ва таъмирлаш ишларида 6 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди, — деди Ж.Сафоев. — Мавсумда болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун эса касаба уюшмаси 8 миллион сўм ажратди. Энг аҳамиятли томони шундаки, корхонанинг ҳам таъминланган, ёрдамга муҳтож ишчи-хизматчилари

майдончаларида эса болажонлар саломатликларини тиклаб, спорт билан шуғуллинишлари учун етарли шароитлар яратилган.

Кутубхона ва инглиз тили хоналари ҳам улар хизматида бўлади. Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашига қарашли «Тошшаҳарий-ўловчитранс» Давлат уюшмасининг «Автомобилчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳам ҳоқоридаги каби саранжом-саристалиқнинг гувоҳи бўлди. Мазкур

оромгоҳда тайёрлаш-таъмирлаш ишлари 10 майдаёқ тугатилиб, 5 июнда меҳнаткашларнинг 320 нафар фарзандларини ўз бағрига олган. Оромгоҳни озиқ-овқат маҳсулотлари билан пойтахтимиздаги «Меҳрли савдо» давлат корхонаси имтиёзли нархларда таъминлайди. Тошкент шаҳар ҳокими ва шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг қўшма қарорига биноан «Меҳрли савдо» томонидан

гўшт маҳсулотлари 505 сўмдан, сариёғ 740 сўмдан етказиб берилмоқда. Зарур дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Дори-дармон ҳиссадорлик жамияти томонидан оромгоҳда давлат тасарруфидоғи доирхоналарга бириктириб қўйилган.

«Автомобилчи» оромгоҳининг бир гектарлик олмасор боғи, ёрдамчи хўжалиги иссиқхонасида етиштирилатган помидор, буғор қалампир, шунинг-

дек, ўрик, гилос, кўксултон каби мева ва сабзавотлар болаларни кундалик сархил ва дармондориларга бой маҳсулотлар билан таъминлаш имконини бермоқда, деди оромгоҳ раҳбари Йўлдош Очилов. — Натижада ушбу маҳсулотларга сарфлашни лозим бўлган маблағларнинг бир қисми тежаб қилиниб, болаларни соғломлаштириш йўлидаги бошқа тадбирларга сарфланмоқда.

Масканинг Маънавият ва маърифат хонасидаги Ўзбекистон Республикаси Президентини асарлари, шунингдек, Хотира ва қадрлар бурчаги ўғил-қизларда қизиқиш уйғотмоқда. Спорт майдончалари, компьютер ўйинлари ва биллиард хонаси ҳаммашга гавжум.

Ушбу оромгоҳда 7 ёшдан бери дама оламан, деди пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 255-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Фарҳод Мавлонов. — Бу ерда ўтган ҳар

лаб. Тиббиёт пунктида фитобар мавжуд бўлиб, даволаш лампа, кварц каби физиотерапевтик муолажаларни шифокор Нуриддин Ялғишев, ҳамшира Ҳамида Камоловалар амалга оширмоқдалар. Чўмилиш ҳавзаси ва душхоналар ҳам болалар ихтиёрида. «Ўзбеккабель» Давлат ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳам тайёргарлик ишлари ниҳоясига етган. 300 нафар боланинг ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган ушбу маскандаги кутубхона ва турли тўғарақлар хонаси эътиборимизни тортди. Мавсум очилиши арафасида кутубхона учун олинган 500 дан зиёд янги адабиётлар орасида лотин ёзувидаги тарихимиз зарварларини акс эттирувчи китоблар мавжуд. Компьютер хонасидаги 5 та компьютер ёрдамида болалар билан мутахассислар машгулот олиб борадилар. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикасида келган ўғил-қизлар ҳам ҳордиқ чиқарадилар. (Давоми 2-бетда)

Ислохот инсон учун

МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК ВА ИШЧИ КАЙФИЯТИ

Ташаббус, тадбиркорлик бор жойда қоқоқлик чек қўйилиши табиий. Сирдарё электр тармоқлари қорхонасида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари устуворлигини таъминлаш тўғрисида йўналишлар аниқлаштирилди. Қисқа фурсатда ўртача ойлик маош 20 минг сўмдан оширилди. Ҳўш, бу муваффақиятлар сирини нимада? Қўйида шу ҳақда хикоя қилинади.

Ўз жамоаси келажagini ўйлаган ҳар бир раҳбар энг аввало меҳнаткашлар учун иш шароити яратиш, улар фаровонлигини яхшилаш чораларини кўзлайди. Қорхонамизда ходимларни ижтимоий муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Барча тадбирлар маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида тузилган жамоа шартномаси асосида олиб борилмоқда. Жамоаида 1078 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. 17 та гуруҳ ва 12 та цех касаба уюшма ташкилотлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бошланғич ташкилотларга жамоада обрў-эътиборга, ўз ўрни ва маъқега эга ишчилар сайланган. Шу боис, одамлар қувончу ташвишини касабакўм билан баҳам қуришади.

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашда жамоа шартномасининг ўрни беқиёс. Унинг ижроси ҳақида тўхталасак. Жамоа шартномаси ҳар томонлама пухта ўйланиб, кенг муҳокама асосида қабул қилинсагина меҳнаткашга кўпроқ наф келтиради. Шунинг учун бизда тузилган шартноманинг ҳар бир банди ходимлар манфаати учун хизмат қилишга йўналтирилган. Унда кўзда тутилган асосий бандларнинг ижроси тўлиқ таъминланяпти. Меъёрий ҳужжатлар асосида иш олиб борилганлиги боис ютуқлар салмоғи кўпайди. Ходимлар моддий манфаатдорлиги ошиди. Қисқа фурсатларда йиллик даромад йигирма фоизга кўпайишига эришилди. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий

ҳимоялаш борасидаги ишларимиз ҳам жонланди. Ана шу мақсадлар учун ўтган йили 3196,4 минг сўм маблағ сарфланди. Ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини тиклаш мақсадларига эса 1184,5 минг сўм ажратилди. Нафақа ёшига етганларга 150,8 минг сўм моддий мадад берилди. Зарарли шароитда ишлаётганлар сўт маҳсулотлари билан таъминланган. Ҳомиладорлик таътилга чиқатган аёлларга ҳамда қорхонада ишлаб айна чоғда қарилик гаптини сураётган кексаларга моддий ёрдам кўрсатиш аънаънага айланган.

Қувончлиси шуки, қорхонани иккинчи уйим, деб бўлувчи ходимлар кўпчилигини ташкил этади. Бунинг боиси, уларга яхши шароит яратиб берилган. Биз ҳар бир ходимнинг иш қобилияти, у келтираётган самара билан чеклиниб қолмасдан турмуши, тақдирини билан ҳам қизиқамиз. Ёрдамга эҳтиёж сезган ҳар бир ишчи эътиборимиздан четда қолмайди. Тўй-маъракаларни ўтказишда мададкор бўламиз. Ёш, янги оилага 25 минг сўмлик тўёна берилади. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кишилар, ёрдамга муҳтож қарияларга шу кунгача 130,2 минг сўмлик мадад берилди. Уларга арзон нархда қурилиш материаллари етказиб беришни йўлга қўйганмиз. Ходимларга иссиқлик энергияси учун 144,3 минг сўм микдордаги маблағ ҳам қорхона ҳисобидан қопланди.

Соғлом авлод — миллат келажаги. Шу боис, қорхонамизда ходимлар фарзандларини соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Масалан, ўтган йили шу мақсадга 105,5 минг сўм маблағ сарфланди. Жорий йилда эса бу кўрсаткич янада оширилади.

Шербўта ТОҶИБОЕВ,
қорхона касаба уюшма кўмитаси раиси.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йўғилишида гапирилганди

— Президентимизга раҳмат. Чунки биз — ишбилармонларнинг ҳамма вақт қўллаб-қувватлайдилар, — дейди Андижон тумани Ботир Хожи кўчасида истиқомат қилувчи тадбиркор Собиржон Қобулов. — Юртбошимиз шу йил феврал ойида бўлиб ўтган 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йўғилишидаги маърузасида тадбиркорлар тўсиқларига учраётганлиги ҳақида кўниб гапирдилар. Хусусан, айрим тижорат банклари кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит беришдан умуман ўзларини четга олаётганлиги таъкидланди.

лар жумласидандир. Бу эса ўз навбатида тадбиркорларга катта мадад бўлди. Уларнинг истиқболли лойиҳалари рўёбга чиқишини таъминлади. Энг муҳими, янги иш ўринлари вужудга келишига йўл очилди.

Тадбиркорлар ишларини энгиллаштириш ва уларни ахборотлар билан таъминлаш мақсадида бошқарма ва унинг 17 та бўлимида ишбилармон-

хона ҳар ойда кўрсатилаётган лизинг хизмати учун йиллик 40 фоиз ҳисобидан 677 минг сўм ва кредитни босқичма-босқич қайтариш жадвалига асосан 300 минг сўм тўлаб боради. Лизинг жараёнидан банк шу кунгача режалаштирилган даромаднинг тўлиқ ва ўз вақтида ундириб олган. Бу маблағлар бошқарманинг нақд пул тушуми режаси бажарилишига ижобий таъсир кўрсатди. Автомашиналарни лизингга олган қорхонанинг баланси ўрганиб чиқилганда, ҳиссадорлик жамияти шунинг ҳисобидан яхшигина даромад олгани маълум бўлди. Бундан банк ҳам фойда кўрди. Қорхонада 26 та иш ўрни яратилди. Шу боис банк ҳозирги кунда «Узинвестлоиҳа» инжиниринг компанияси билан бамаслаҳат тадбиркорлар ва қорхоналарга лизинг асосида замонавий технологияларни тақлиф этмоқда ҳамда уларни таъминламоқда. Бундан ташқари хорижий банклар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Уларнинг кредит йўналишлари ҳисобидан лойиҳаларни тайёрлаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, тадбиркорларга Германиянинг бир неча кредит линиялари орқали кредитлаш тақлиф этилмоқда.

«ПАХТАБАНК» ЁРДАМГА КЕЛДИ

Мамлакатимиз раҳбарининг ана шу гапларидан кейин бизга ўхшаган тадбиркорларга кенг йўл очилди. Уларга кредит бериш яхши йўлга қўйилди.

Масалан, мен яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланаман. Шу йил бошларида кичик қорхонамизга ширинликлар ишлаб чиқарувчи технология ва хом ашё сотиб олиш учун кредит ажратилиши сўраб иқтисодлаштирилган акционерлик тижорат «Пахтабанк»нинг Андижон вилоят бошқармасига мурожаат қилдим. Банк ходимлари аризамни тезда ўрганиб чиқиб гаров шартномаси асосида 612 минг 500 сўм қисқа муддатли кредит ажратди.

Тадбиркор С.Қобулов таъкидлаганидек, ҳақиқатан ҳам мамлакатимиз раҳбарияти кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Очигини айтганда, яқин-яқинларгача банкдан кредит олиш анча қийин эди. Тадбиркорлар учун ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва кредит олиш тинкани қуритадиган жараёнга айланганди. Улар ҳатто микрокредит олиш учун ҳам қўллаб-қувватлашни тақдим этишга мажбур эдилар. Бошқача айтганда, микрокредитлар ажратишга ҳудди катта инвестиция лойиҳаларига берилган кредитларга хос қаттиқ талаблар қўйиларди.

Вазирлар Маҳкамаси йўғилишидан кейин эса ана шу жараён содда-лаштирилди. Ёни, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркор микрокредит олиш учун атиги тўрттагина ҳужжат топшира-

диган бўлди. Булар бизнес режа, кредит олиш учун ариза, қорхона баланси ва мулкый гаров. Бу ерда шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, мулкый гаровга қўйишнинг ҳам бешта йўналиши бор. Бунга тадбиркор ўз мулкый гаровга қўйиши, банк, учинчи шахс, сўгурта компанияси ва маҳалланинг қафолатлари кирди.

Ҳозирги кунда республика миқёсида жойлашган тижорат банклари кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси йўғилишидаги маърузадан келиб чиққан ҳолда муайян ишларни амалга ошироқдалар. Бунда айниқса, ИАТ «Пахтабанк»нинг Андижон вилоят бошқармасида қилинаётган ишлар ибратлидир. Бу ҳақда бошқарма бошлиғи Тўланбой Раҳимов шундай дейди.

— Шу йилнинг 1 май ҳолатига вилоят бўйича 74 та хўжалик субъектларига 73 миллион 619 минг сўм кредитлар берилди. Шундан 65 миллион 112 минг сўми ёки 88,4 фоизи банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилди. Қолган қисми «Бизнес фонд», деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси ва бандлик жамғармаси заҳираларидан олинди. «Тошкент» ишлаб чиқарувчи фирмасига хом ашё сотиб олиш учун берилган 2 миллион, «Эркинлик» деҳқон-фермер хўжалиғига қорамол сотиб олиш учун ажратилган 1 миллион 816 минг, «Дурдона» хусусий тиббий хизмат кўрсатиш марказига берилган 2 миллион 205 минг сўм кредитлар шу-

лар бурчалари ташкил этилган. Унда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, микрокредитлар бериш тўғрисидаги йўриқномалар, уларни расмийлаштириш тартиблари намуна нусхалари акс эттирилган. Бундан ташқари, барча бўлимларда «Ишонч» телефонлари ишлаб турибди. Тадбиркорларнинг оғзаки мурожаатлари, кредит сўраб берган ёзма аризалари махсус китобларда қайд этиб борилмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш борасида бошқарма «Бизнес фонд», бандлик жамғармаси ва деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси билан ҳамкорликда иш юритади. Уларнинг ҳаммаси тадбиркорлар тақдим этаётган лойиҳаларни ўрганиб чиқади ва ўз фикрларини айтади, ёрдам беради, йўл-йўриқлар кўрсатади.

Банкнинг тадбиркор ва қорхоналар билан амалга ошираётган юқоридаги кенг қўламли ишлари бу билан чегараланмайди. Чунинчи уларга лизинг асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Масалан, ўтган йил май ойида Андижон шаҳридаги «Энгил тақсилар саройи» ҳиссадорлик жамияти билан лизинг шартномаси тузилди. Қорхонага 13 та «Дамас» автомашинаси 4 йил муддатга молиявий лизинг шартлари асосида ижарага берилди. Банк билан тузилган кредит шартномасига кўра қор-

Фулом ЮСПОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЭКО-ҲАМКОРЛИК ДЕМАК

Юртбошимиз саммитда сўзлаган нутқидан ЭКО фаолиятини ижобий баҳолаш билан бирга, айрим давлатлар вакиллари ташкилот минбаридан ўз сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланишга уринаётганлигини танқид қилган. ЭКО сиёсий ташкилот эмаслиги, у аёзо давлатларнинг иқтисодий раванки, ўзаро ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилиши зарурлигини, давлатлар араси, уларнинг мақсури ва сиёсатдан холи иқтисодий ва бозорлари интеграциялашуви лозимлигини таъкидлаган эдилар. Айни пайтда, ЭКО фаолиятини тақомиллаштириш бўйича бир қатор тақлифлар ўртага ташланган эди.



Шу йилнинг март ойида Шахрихон туманидаги Найнаво жамоа хўжалиғи ўраида жойлашган Суфилар қишлоғидаги 19-аралаш моллар дўкони, Қумариқ қишлоғидаги 23 ва Янгинайнаво қишлоғида жойлашган 16-аралаш моллар дўконлари ҳақида танқидий фотоматериал Республика газеталарида эълон қилинган эди. Хусусан, унда маъруз савдо дўконларида аҳоли истеъмол учун керакли 8 турдаги

озик-овқат маҳсулотлари етарли эмаслиги танқид қилинган эди.

Танқиддан тўғри хулоса чиқарган Назармаҳрам савдо ишлаб чиқарувчи ҳиссадорлик жамиятига қарашли ушбу савдо дўконларида аҳвол бугун яхши томонга ўзгарди.

Суратда: Қумариқ қишлоғидаги савдо дўконида.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва "Ишонч" газетаси қўшма рейди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фарзандларимизнинг ёзги таътилларини янада кўнглили ва мазмунли ўтказишлари мақсадида завод маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси томонидан ҳаваскор эстрада дасталари, Республика кўғирчоқ театри, турли бадий жамоалар, Тошкент цирки томошалари ташкил этилиб, концерт дастурлари намойиш қилинади.

Тиббиёт пункти эса оромгоҳнинг биринчи навбати учун 140 минг сўмлик дори-дармон билан таъминланди. Маблағлар завод раҳбарияти ва касаба уюшма кўмитаси томонидан ажратилди.

— Оромгоҳни мавсумга тайёрлаш-таъмирлаш ишлари учун хўжалик маъмурияти 12 миллион сўм, ҳордиқнинг биринчи навбатида болаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва тарбиячиларга маош бериш мақсадида Метеллургия ва машинасозлик санюати ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кўмитаси томонидан 1,5 миллион сўм ажратилди.

Аммо, афсуски ҳамма жойда ҳам шароит бирдек деб бўлмайди. Чир-чидаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли

металлар қорхонасига қарашли «Гулзор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида кўнглисиз манзараларнинг гувоҳи бўлдик. Оромгоҳ дарвозасига яқинлашар эканмиз, қорхонанинг бош энергетиги гарчи биз ҳужжатларимизни кўрсатган бўлсак-да, то

ча майдонларни эгаллаб ётибди.

Бу манзарани изоҳлаб беришни сўраган эдик, Ҳақима Ақромова «Бугун тозалаш учун икки автобус одам келган» дея жавоб берди. Аслида эса 5-10 чоғли аёллар у ер бу ерни супурардилар холос.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИГА БИР НАЗАР

Оромгоҳ раҳбарлари келмагунарича бизни ичкарига кирита олмаслигини айтди. У кишидан оромгоҳ очилиши белгиланган санани сўраган эдик, «билмадим» дея елка қисиб қўя қолди.

Оромгоҳ ошхонасида таъмирлаш ишлари энди амалга оширилмоқда. Бўёқчилар ишни қачон бошлаганликларини қачон тугатишларини билмайдилар. Оромгоҳ раҳбари Ҳақима Ақромова ошхона мавсумга тайёрлаш-таъмирлаш ишлари 17 майда бошланган бўлиб, 25 майда тугатилиши лозим эди. Аммо, ишлар ҳамон ўлда-жўлда. Оромгоҳ ҳудуди тозаланмаган. Ҳашак гарамлари спорт майдончасидан тортиб, бар-

си йўқ, барча тумбалар синган, ҳамма ер чанг ва ифлос.

Чирчиқ қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл қорхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси ўринбосари Замира Фаниеванинг таъкидлашича, оромгоҳни мавсумга тайёрлаш-таъмирлаш ишлари қорхона раҳбарияти томонидан амалга оширилиши керак.

— Аммо, қорхона санацияга тушганлиги боис, маблағ етишмаяпти, — деди З.Фаниева. Шу ўринда қорхона маъмуриятининг 2 майдаги 63-сонли буйруғида гарчанд «Гулзор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида таъмирлаш ишлари 10 майда киришилиб, 10

июнда тугалаш кўрсатиб ўтилган эса-да, шу кунгача ишлар ҳатто арилмаган.

Вақт эса кутиб турмайди.

Тоҳир МУЛЛАБОВ,
Ўзбекистон телевиденисининг Болалар бош муҳарририяти катта муҳаррири,
Наима ЖАББОРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг етакчи мутахассиси,
Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч»нинг махсус мухбири.

Таҳририятдан: қўшма рейд материаллари Ўзбекистон телевиденисининг биринчи дастури орқали бугун соат 10.35 дан 11.25 гача намойиш этилади. Тўғридан-тўғри эфирга кетаётган ушбу давра суҳбатиди иштирок этаётган мутасаддиларга болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши борасидаги саволларини билан қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин. 144-10-12, 41-92-63, 41-92-10.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚ ўзгартирилиб, адолат тикланди

«Жиззахпластмасса» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси У.Алиев иш берувчи сифатида маъзур қорхонада назоратчи вазифасида ишлаб келаятган Мақсуда Усмонова ни ишдан бўшатилган розилик беришни сўраб қорхона касаба уюшмасига ёзма мурожаат қилди. Қорхона касаба уюшмаси кўмитаси (раиси А.Ҳасанов) ушбу мурожаатни ваколатли йўғилишида кўриб чиқар экан, ходим М.Усмоновага илгарки қилган ноҳўра ҳаракати учун ҳайфсан эълон қилиб, уни боғбонлик вазифасига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ҳиссадорлик жамияти раиси ўз буйруғига касабакўмининг маъзур қарорини асос қилиб олиб, М.Усмоновага «ҳайфсан» эълон қилади ва уни обдонлаштириш бўлимига боғбон вазифасига ўтказди.

Шундан кейин М.Усмонова норози бўлиб Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгашига мурожаат этади. Кенгашининг меҳнат ҳуқуқи бўлими мутахассислари аралашувидан сўнг қорхона раҳбари аввалги буйруғини ўзгартириб М.Усмоновани олдинги вазифасига тиклайди. Ҳозирги пайтда у ўз иш фаолиятини давом эттирмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Наҳотки қорхона ҳуқуқшуноси меҳнат ҳуқуқи камситилаётган ёки бузилаётган ходимнинг келгуси тақдирини шунчалик бефарқлик билан қараган бўлса? Қорхона касаба уюшмаси кўмитасидан қачон? Улар иш столи устида турадиган меҳнат қонунчилиғига оид ҳужжатларнинг шу соҳага тегишли моддаларини кўздан кечириб, қарор қабул қилганларида эди, сиз ҳам қуймаган, бинобарин, ўзлари ноқулай аҳволда қолмаган бўлардилар.

А.АБДУМАННОВ.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ.

БЕТАКРОР СЎЗ САНЪАТКОРИ, ЗАҲМАТКАШ АДИБ

● Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад 80 ёшда ●

Севимли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг мен каби оддий кишилар, уруш ва меҳнат фахрийлари нима учун дилдан севадилар? Сабаби шуки, адабимиз ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиған, бошидан кўп савдоларни ўтказган. У дехқон, курувчи, ҳурнаранд, қўйинги, моддий нёмаат яратувчининг ҳаётини ипидан игнасиғача яхши билади. Саид Аҳмаднинг сўнги вақтларда марказий матбуотда эълон қилинган мақолаларини ўқиб, эллик иккинчи йилда тройка томонидан 10 йил муддатга ҳукм қилинган, сиёсий маҳбус Саид Аҳмад Ҳусанхўжаев кимлигини янада чуқурроқ билиб олдик. Худо берган истеъдод эгасининг ҳар бир асари, мақолалари халқчил, биринчи ўқишдаёқ вужудингги қамрайди, қалбингги

жумбушга келтиради. Қаранг, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ҳақида адиб ёзади: «Одамлар бу ерга шодон кўшиқлар куйлаш учун эмас, ўйнаб-кулиш учун эмас, азоб-уқубатлардан зор-зор қақшаб жон берган жигарларининг руҳлари

ДИЛ САТРАЛАРИ

билан юзма-юз бўлгани келадилар. Уйга толадилар, соғинчдан пора-пора бўлган юракларини бўшатгани келадилар. Бунда буюк бир сукунат ҳукмрон. Бу ерда хотира, бу ерда ҳаёллар, ўқисий, етимлик изтироблари, соғинч ҳукмрон...»

Биз — меҳнаткашлар «Дўстлик» ҳамда «Буюк хизматлари учун» орденлари нишондор, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Саид Аҳмадга узоқ умр, сийхат-саломат-

лик, тилаймиз ва ундан янги асарлар кутиб қоламиз.

Исоқ ҚУРБОНБОВ,
меҳнат фахрийси,
Наманган шаҳри.

Табаррук инсон Саид Аҳмад асарлари, публицистик мақолаларини ўқиганимда ўзимнинг ҳамқишлоқларимнинг ҳаётини, қувончу ташвишларини кўргандек бўламан. Севимли адабимизга Яратган катта истеъдод ато этган. Айниқса ўзим ўсиб катта бўлган қишлоғим манзараси унинг асарларида жуда ҳаётий қилиб чизиб берил-

ган. Кузатишимча, адабнинг яна бир ажайиб фазилати, бу унинг тўғри сўзлигидир. Ёшлар фаолиятига, асарларига баҳо беришда, уларни қўллаб-қувватлашда бу муҳим рол уйнайди, албатта. Севимли ёзувчимизнинг мустақиллигимизни, шу ажайиб кунларимизни кадрлашга ундовчи эса бардаст моқолалари эса ҳар биримизнинг қалбимиз ва шууримиздан чуқур жой олмақда.

Саид Аҳмад акани муборак саксон ёшлари билан чин дилдан кутлаб, узоқ йиллар умргузаронлик қилишларини тилаймиз.

Нодирабегим ИБОВА,
кўп болали она,
Тошкент шаҳри.



Саид Аҳмад

БАХТЛИ КУН

Хаваснинг эстагига ёпишиб, ёзувчи бўлиш ниятида йўлга чиққанга ҳам йигирма саккиз йил бўлибди. Бугун шу ҳафта йўлаганимда хотиримга чуқур ўрнашган воқеалар қатор тизилиб келади. Ҳа, мени, мен тенги яна кўплаб ёшларни Тошкентга етаклаган орзу — ёзувчи бўлиш шунчалар қийин, шунчалар ширин, ажралиб бўлмас оҳанграбо эдики, бу касбнинг нонини ейиш учна-бунча кишининг қўлидан келмас экан.

— Кечагидек ёдимда: ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида (1982 йил) оқсоқол ёзувчи Саид Аҳмад билан танишганимиз. Бунга юрак ютиб ҳўқоя олиб борганим сабаб бўлди.

— Қаердансан? — деб сўради устоз.

— Бухоронинг Шофиркон туманидан, — деб дадилгина жавоб айтдим. «Академик Иброҳим Мўминовнинг юртидан» деб мақтангим ҳам келди-ю, яна тил тилладим. Чунки, олиб борган ҳўқоям Иброҳим Мўминовга бағишланган эди.

— Эртага хабар ол, ўқиб кўяман, — дедилар устоз. Кундуз соат ўн бир атрофида айтилган бу гапнинг натижасини кутиш — эртанинг келиши жуда мушкул эди. «Туман» деб номланган ҳўқоямда зўравон тузум шароитида ҳеч кимни йўқотмаслигимиз, авайлаб-асрашимиз керак, деган фикрни рамалар воситасида айтишга интилагандим.

Ҳўқоя қаҳрамонлари — бош чўпон ва ёрдамчи чўпон. Воқоа: юзлаб кўй — сурулдан битта кўй йўқолиб қолади. Буни пайқаган бош чўпон хавотирланиб кўйини излаш кераклигини айтади. Ёрдамчиси эса эрин-ноқлик ва бепарволик билан:

— Битта кўй деб қоронғуда тентираш шартми? — дейди.

Ёрдамчисининг жавоби бош чўпонни доводиратиб қўяди. Ҳўқоя шу тахлит давом этади... Ҳўқоя, устоз ёзувчи нима дер экан, ҳўқоя маъқул бўлармикан? — каби ҳаёли безовта қилар, жавобни интиқ кутар эдим. Эртага эса ҳали вақт узоқ, тоқатга сабр тилаб, қўлидан ўзга чўра йўқ эди.

Кун шу тахлит ўтди. Кечки оқват арафасида эшик тақиллади, оңсам, хизматчи аёллардан бири:

— Сизни Саид Аҳмад домла йўқлаштирган, уйларида боракансиз, — деб қолди. Купилмаган йўқов қувончи эди. Аммо, ушбу қувончининг ортида тоғдек хавотир ҳам йўқ эмасди.

Бордим. Ҳўқоя — мен билган, хавас қилган машҳур ёзувчи Саид Аҳмад дала ҳовлиси суласида сигарет чекиб, столи устида турган кўлэзма — ҳўқоямга термулиб турарди.

— Утир, — деб у ёнидан жўй кўрсатди ва энгашиб ҳўқояни олди. Варақлаб, остига чиқиқ тортилган жўйини тоғди-да:

— Ҳўқоя, — деди. Мен ўша қаторларни овоз чиқариб ўқий бошладим:

— Бу бола кўйни яхши танийди, бироқ бепарво-да! Бепарво чўпон сурувга бош бўлолмади. Тўқли топила-са-топила, бунини ўзига айтаман. Бугун битта кўй кўздан йироқлашди, эртага иккинчисини бўри ейди, индинига зотлисини айта-нига алмаштириб кетишди, қарабсанки, у бугун бошли подани йўқотди, бой беради...» — нихоят унга қараб, устознинг ҳўқояга қўлоқ тутдим.

— Топибсан, болам, топибсан! — деди у.

— Қувончу куч-қудратга тўлиб хайрлашдим. Ҳўқояни олиб кетаётганимда:

— Қолдир, — деди вази-минлик билан. Сабабини айтмади.

Орадан ун кун ўтган, ҳўқоям газетада Саид Аҳмаднинг оқ йўли билан чоп этилди...

Ражаббой РАУПОВ.

ЙЎҚОТГАНЛАРИМ ВА ТОПГАНЛАРИМ

Баъзан ҳаёл олиб кетади. Ўтган йўлларингга, босган изларингга қарайсан. Кимлар юрган йўллардан келдинг, кимлар босган изларни босдинг, ҳамма-ҳаммасини кўрасан. Қандай яшадинг, кимлар билан бир дастурхондан ризкингни бўлишинг. Кимлардан меҳрибонлик кўрдинг, кимлардан панд единг, кўз олдингдан бир-бир ўтаверадинг.

Ёрқин умидлар билан йўлга отланган ҳамроҳларинг қани, деб ўзимдан ўзим сўрайман. Уларнинг кўпи энди йўқ. Манзилга етолмай, жуда тиниқ, жуда шафқоф умидларини ўзлари билан олиб йўқлик деб аталмиш раҳуликка кетдилар.

Сенга раҳуналик қилган устозларинг қани?

Сафаси жо бўлган, ҳаёллари сўнгсиз уфқлардан олиб ўтган доно Ойбек қани? Қаҳри метиндан қаттиқ, меҳри каптар кўксидек майин, қалами учидидаги чакмоқ қоғозни куйдирадиган Абдулла Қаҳҳор қани?

Бу табаррук зотлар юртга берадиганини бериб, элдан қарзларини узиб, шогирдлари қалбига нурли ошён қуриб, абадиёт уйқусига бош қўйдилар.

Ана шуларни эслаганимда юрагимда ажиб бир ёрқин хотиралар уйғонади. Саидахонни эслаб кетаман. Йигирма етти йил тирликнинг гоҳ нурли, гоҳ нурсиз йўлларидан бирга ҳамроҳ бўлган, биргина қизини келинлик либосида кўролмай, ёр-ёрини эшитмай, етдим деганда йикилган кадрдон кимса тушларимга қиради. Жа-вонларни тўлдирган китоблари қатидан чиқиб, ўзи кўрмаган неваралари бошида ўтириб тонг оттиради.

Бу гапларни ёзиш қанчалик оғирлигини биланман. Шунинг учун ҳам хотира ёзишга қўлим бормасди. Хотиралар ёзилар, аммо унинг охири Саидахондан айрилиб қолган кун билан якунланади. Ана шуниси алам қилади. Мен унинг хотира бўлиб қолишини асло

истамайман. У менинг онгимда, ҳаётимда ҳамisha тирик қолишини истаيمان. На чора! Езмок керак.

Вақтики келиб, мен ҳам кетарман. Эсдаликлар ўзим билан кетмасин.

Саидахон баъзи-баъзида ҳазиллашиб, шоирлар хотинларига бағишлаб шеър ёзишди, афсус, сиз шоир эмассиз-д, деярдди.

Бу гап юрагимда ўқиниб бўлиб қўйиб ётганда.

Мана бугун ўзи чирогини ёқиб кетган хонада китоблари-ю сувратлари қуршовида ўтириб хотиралар ёзяман. Уч романдан иборат «Уфқ» трилогиямни унга бағишладим, назаримда кўнгли тўлмади. Мана энди ўзини ёзаяман.

Магнитофонни қўйиб овозини эшитаман. Альбомлар қаттида ухлаган суратларига тикиламан. Китобларини варақлаб, сеҳрли сатрларини такрорлайман.

Шунда бирдан ўзи жонланиб аста хонамга кириб келади. Елкасида менинг костюмим, қўлида қалам, варағига ёғ сачраган блокнот билан аста диванга ўтиради.

— Мана, сизга атаб шеър ёздим.

Секин, худди шивирлагандек ўқийди:

Эшик тирқишида бир чизиқ ёниб, Офтоб бўлиб кириб ёритар хонам. Машинкаг чикиллар, тўхтайти баъзан, Биламан, чекапсан, чекапсан улаб. Кошки очиб қўйса деб деразани, Камроқ чекаса-чи, деб бўламан хуноб. Хонангни тутундан поклаш дардида Бедор ўтираман сендан нарида.

қаламқашлар ўртасида машҳур бўлган Мавлон Икромга келади.

— Мавлон, Мавлон! Итларнинг неча хил зоти бўлади? Санаб кўрсам ўттиз саккиздан ошмаяпти-ку?!

Мавлон ақа шошмай ўрнидан туради. Бамайлихотир юз-қўлини ювгач, астойдил чордона қуриб ўтиради ва мароқ билан итларнинг зотини санашга тушади. Орадан кўп ўтмай Саид Аҳмаднинг ўзи зерикиб, эснай бошлайди ва ёнбошлаган кўйи донг қотиб ухлаб қолади. Мавлон ақа эса ҳамон завқ-шавқ билан итларнинг зотини санашда давом этарди.

— Клара Цеткин қайси йили туғилган эди?

Эркин ақа бемаврид ҳазилга жавобан секин мийиғида қулиб қўя қолади.

Безовталиқ гали овчиликка дахлдорлиги билан

Шодмон ОТАБЕК

Муборакбод

Шундай одамлар бўладики, уларга қараб миллатнинг буй — бастини кўргандек бўласан, киши. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг ноини тилга олганимда худди Фарғона боғларини, Сирдарёнинг далаларини, Сурхон воҳасининг қўшнини, ўн-ўн бешлаб келинларнинг яхшисини ошириб, ёмонини яшириб, бир ховлида гавжум бўлиб яшаётган Фамонбиларимизни, кўллари меҳнатда гадир-будир бўлиб кетган, лекин юзидан ўзбекона тафт аримаган отахонларни, бир сўз билан айтганда она юртинини кўргандек бўламан.

Биз мактаб парталари билан хайрлашган, «Кўрсат ишингни-кўрсан ишимни», дея кўкрак керган 17-18 ёшлардаги ўсимлик пайтимиз эди. Эски жувадаги «Турон» кутубхонасида адиб Саид Аҳмад билан учрашув бўлди. Тўртта-бешта шеърни матбуотда эълон қил-

носвойчи боламисан? — сўради домла. — Ким борди сени?

— «Гулхан»дан келдим, — дедим. Хуллас, Саид Аҳмад акани тинч кўймадим. Ёзувчилар уюшмасида ҳам, уйларида ҳам. Хатто адиблар боғига ҳам бордим. Нихоят «13 ёшда 13 хил орзуим бор эди» сарлавхали ҳўқо-

қўзолони, «Кўёв» миллий комедияларининг, юзлаб дилбар ҳўқояларнинг муаллифи Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад 80 йшга тўлдилар. Ўзлари айтганларидек, дилларидида гаплари қоғозга тўқдилар. Ойбек, Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Мертемир, Аскар Мухтор, ажайиб шоира Саида Зуннуновалар ҳақида ҳар бири биттадан роман деса бўлгудек бахшидалар ёздилар. Ҳали у, ҳали бу газетамда замондошларимиз тўрисидаги оташин публицистикалари босилди. «Кўз ёши томган ҳўқоялар» туркуми дунёга келди...

Саид Аҳмад домланинг «Йўқотганларим ва топганларим» китобини ўқиб туриб, дилимдан кўп нарсас кечди. Бизга мутлақо раво кўрмаган, лекин бошларига тушган қора кунлар қанақа бўлганини аниқ тасаввур қилдим.

Саид Аҳмаднинг асарларини бошқа биронта адиб ёзолмайди. Фақат Саид Аҳмадгина шундай ёза олади. Унинг ҳар бир сатрини ўқиб, «Яхшиям бундай адиб Ўзбекистонда ўзбек бўлиб туғилган» деб шўқроналар қиламиз.

Устоз Саид Аҳмаднинг яқинда ёзган ҳўқояси «Тақдир, тақдир, бунча шафқатсизсан» деб аталади. Назаримда тақдир ҳам ҳозир шафқат буржига кирди. Адибимизга ёғилаётган меҳр-муҳаббат, кўрсатилаётган иззат-икром шундан далолат эмасми? Одатда карвоншоиларнинг шижоатиға қараб карвон ҳам одимлайди. Саид Аҳмад бугун ғайрат билан қалам тебратмоқда. Бугунги муборак айёмда: «Бу қаламдан томажак ажайиб асарларга ҳамisha муштокмиз, иштиёқмандмиз, доимо соғ бўлинг, устоз, қаламингиздан доим нур тўкилсин» дегимиз келади.

Темир УБАЙДУЛЛО.

ҚАЛБЛАРНИ ЗАБТ ЭТГАН

дириб, мenden зўр шоир йўқ деб юрган мен, Шавкат Туроб, Эмин Усмоновлар Саид Аҳмадга, ўша «Хўкма», «Қадрдон далалар», «Чўл бургути», «Ойдин кечалар» каби қисса ва ҳўқояларнинг муаллифи бўлган адибга маҳлиё бўлиб ўтирибмиз. Устоз адибнинг ёнида «Севгим, севгим!» қиссаси энди-гина босилиб чиққан раҳматли Улмас Умарбеков ҳам бор эди. Қизлар ниҳоятда кўхлик Улмас академик кўз узишмас, шивирлашар, нуқул унга савол ёзиб, қоғоз узатишар эди. Саволларнинг тўрттасига Улмас ақа жавоб берди, холос.

Эниб турган пайтим эмасми, мен ҳам, Эмин Усмонов ҳам, Шавкат Туроб ҳам, раислик қилувчи яна ким гапирди деганда, сўзга чиқдик. Айниқса, Шавкат жуда ошириб юборди.

— Сизнинг асарларингиз хатто космосгача етиб борган. Ҳўқояларда ҳам машҳур, қабалида сўзлади.

— Хов бола, — қулди Саид Аҳмад ақа. — Сал пастрок туш, ҳўқояларимни одамлар учун ёзаман, юдузлар учун эмас.

Иккинчи қовунни мен туширдим.

— Домла, асарларингизнинг бир варағини носвойчини қўлида қуриб, ўқиб, бу Саид Аҳмаднинг фақатан ҳўқоясидан, деб айта олади мухлисларингиз, — дедим. Саид Аҳмад ақа менга бошдан оёқ қараб:

— Носвойчини ўғлига ўхшайман-ку, — деб қўйдилар. Орадан йиллар ўтди. Буни қарангки, Саид Аҳмад ақа билан яна учрашув насиб этди.

«Гулхан» журналида ишлаб юрганимда «13 ёшлигим» деб номланган махсус сон тайёрладик. Менга Саид Аҳмаддан «13 ёшлигимда нима ишлар қилганлиги» ҳақида ҳўқоя ундириб келиш топширилди. Адибнинг Янгиарик маҳалласидаги уйига бордим.

— Менга қара, ҳов ўша

яча ундириб келдим. Саид Аҳмад ақа масъул котибимиз Наримон Орифжоновни куриб: «Қанақа бола ўзи у? Бир ёпишволди дегин. Шунанга одатлари ҳам тузук журналистнинг», дебдилар.

Саид Аҳмад, таъбир жоиз бўлса, ўз тенгурларни орасида ниҳоятда соддалиги билан ажралиб турар эди. Ёзганларини ўқиб бир яйрасак, сўзини эшитиб бир яйрадик. Домла сўхбатда ҳам ортиқча илтифот қилмасдилар. Ёшлар билан учрашувларда: «Майли, нима бўлса бўлсин, бизнинг бошимизга тушганлар сенларнинг бошларингга тушмасин», дер эдилар. Лекин Саид Аҳмаднинг қувноқлиги, латифағўйлигиға қараб биронта одам у кишининг шўнчалар азоб чекканини тасаввур қилолмасди.

— Одамларнинг юрагини ўқийшга ўрган, — дедилар домла бир кун. — Ана шунданга кишилар юрагини йўл топа оласан.

1998 йилда юртимизнинг бир гуруҳ фидокорлари қатори Саид Аҳмадга ҳам «Буюк хизматлари учун» ордени берилди. Интервью олиш учун телефон қилдим.

...Телефон дастасини домланинг ўзи кўтарди. Ватанимизнинг олий мукофоти билан қутладим. Кейин «Бир оғиз сўзингизга илҳам қилиш» дедим. «Нима дейман?» — домланинг овозидан бугун ундан бир нарсас ундириш қийин эди. «Бир оғиз сўз айтгин, тилингизга битта сўз ҳам келмаяптими, домлажон?» «Келмаяпти. Шундай кунда нима дея оламан. Камтаргина меҳнати «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлган ёзувчи нима дея оларди?» «Айтмайсизми?», дедим. «Айтман, деди Саид Аҳмад овози ўктамлашиб. — Айтман, болам. Ғайрат билан ишлаб, ёзган янги асарларимдан топасан юрагимдаги гапларни. Саид Аҳмад шундан кейин: «Бир ерга қоралаб қўй: танида жон бор экан, у эл — юртиндан қарздорлигини асло унутмайди» деди.

Бугун «Уфқ», «Жимжитлик» романлари, «Келинлар

ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

Кунлардан бир кун Саид Аҳмад қаердандир юборилган қалам ҳақини умр йўлдоши, танikli шоира ва адиб-ба Саида опадан қандай яширсан экан дея ҳаёл суриб ўтирганида уйига Миртемир домла келиб қолади. Саид Аҳмад наҳот топилганидан суюниб, отахон шоирни тўрға ўтказди. Опа дастурхон ёзиб, ошхонага чиқиб кетгач, Саид Аҳмад домлага юзланиб, шундай деди:

— Ўзингиз биласиз, домла, бу хотин зоти-дан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Мана шу пулни олиб туриш, келиннингиз кирганда сиздан қарз сўрайман. Озгина таранг қилиб, тезда қайтариш шарт билан менга қарз берган бўласиз. Келишидими?

— Саид Аҳмад! Мана, пулингни ол! Иккинчи шунақа номаъқул нарсани ема! Хўпми?!

Бир гуруҳ ёзувчилар ўзбек шоирларини ижоди ҳақидаги илмий ишлари



Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова. 1963 йил.

Шодмон ОТАБЕК

«Универсиада-2000» чемпионлари

СЕВАРА КОДИРОВА:

«ТЕННИС – МЕНИНГ ҲАЁТИМ»

Шу йилнинг 22 май кuni. Соат 18.00. Вилоятнинг «Навбахор» марказий стадиони. 60 мингга яқин киши тўпланган ўйингоҳ чиройини тасвирлашга сўз ожиз. «Универсиада-2000»ни мадҳ этиб карнай-сурнай садолари янграйди. Барчанинг юз-кўзида ажиб бир бахтиёрлик мужассам. Шу пайт универсиада машъаласини баланд кўтарган ўрта бўйли қиз майдонга югуриб кириб келади. У теннис бўйича жаҳон чемпиони Севара Қодирова эди.

Хўш, Универсиада машъаласини ёқишдек катта шарафга муяссар бўлган қиз ким?

Бунинг учун яна «Универсиада-2000»нинг хотирадан ўчмас ўша шукли кунларига қайтамиз. Вилоятнинг барча — ёшу қариси, эркак-аёл ишқибозга айланган, учрашганларида кечаги беллашувда ким голибу, ким мағлуб бўлганлигидан, қайси спортчи нечанчи ўринни олганлигидан гап бошланадиган ўша кезларда Севара Қодирова, Аюбхон Камолов каби ёшлардан кўпчиликнинг умиди катта эди. Шу боисданми, агар ўша кунлари қай бир спорт иншоотида йўлингиз тушмасин, кеча-кундуз машқлар давом этаётганлигининг гувоҳи бўлардингиз. Ҳатто, бу аҳволда улар навбатдаги беллашувларда чарчаб қолишадиган, деган эътирозлару, хавотирларни ҳам эшитиш мумкин эди. Жумладан, Севара ҳам ўша кунлари тузуқ-куруқ ухлагани ёки хордиқ чиқарганини эслай олмайди. Айтишларича, мураббийларидан бири унинг кечалари билан тинимсиз машқлар ҳам бандлигини ҳатто оқватланишга ҳам мажбурлан чақиришадиганликларини эшитиб дашном берганида, у:

— Теннис — менинг ҳаётим, ўйнасам қорним ҳам тўяди, хордиқ ҳам чиқараман, — дея жавоб қайтарган экан. Дарҳақиқат, Севаранинг спортдаги ҳаёти

кўп ёшларга ўрнак бўлса арзийди. Зеро, у жуда ёшлигиданоқ спортга ихлос қўйди. Синфдош дугоналари жисмоний тарбия дарси машғулотларига келиб-келмай юрган вақтларда Севара бир кун ҳам дарс қолдирмас, югуришу сакраш дейсизми, турникка осилишу тош иргитиш дейсизми — ҳар борада ўғил болалардан-да қолишмасди. Қарабсизки, у ўқувчилик давриданок туман миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок эта бошлади. Мактабда теннис тўғрисидаги маълумот мусобақаларида барча рақибларини мағлубиятга учратган Севара фарғоналик дугонаси Нилуфар билан финалда беллашди. Ҳатто кизгин ва мурасасиз кураш

ратди ва теннис бўйича жаҳон чемпиони деган шарафли унвонга эга бўлди. Икки дугона ўз уйларида чемпионатнинг олтин медали билан қайтидилар.

«Универсиада-2000» ҳам наманганлик «олтин копток» соҳибаси учун омадли келди. Саралаш мусобақаларида барча рақибларини мағлубиятга учратган Севара фарғоналик дугонаси Нилуфар билан финалда беллашди. Ҳатто кизгин ва мурасасиз кураш



СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ГОЛЬФ ҲАЁТИМИЗДА

остида ўтган ушбу баҳсда Севара рақибаси устидан галаба қозониб Универсиада чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Универсиаданинг бошқа голиблари каби ҳаётини қизга ҳам «Тико» автомобилли совға қилинди.

Яна шуни ҳам қўшимча қилиш мумкинки, Қодировлар хонадон тобора спортчилар оилага айланиб бормоқда. Севаранинг синглиси, тумандаги 9-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Саида ҳам орасида издан бориб, теннис билан шуғулланмоқда. Стол тенниси бўйича тобора ўз маҳоратини ошириб бораётган Саида ўқувчи ёшлар орасида мамлакат чемпиони, мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси аъзоси. Биз ҳам опа-сингил Севара ва Саида Қодироваларга спорт соҳасидаги интилишларидан бундан ҳам юксакроқ парвозлар тилаймиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ГОЛЬФ ҲАЁТИМИЗДА

Мамлакатимизда спортнинг биз учун янги тури — гольф ривожлана бошлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қароридан сўнг дастлабки қадамлар ташланди. Хусусан, бир қатор қўмита, ҳокимлик, компания, жамағарма ва банкларнинг Ўзбекистон гольф уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди ва уни ташкил этиш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқланди.

Ҳозирдаёқ пойтахтимиздаги Роҳат қўли худудида жаҳон миқёсида мусобақалар ўтказиш имконини берадиган, халқаро андозаларга мос Тошкент гольф клуби фойдаланишга топширилди. Ҳадемай бу ердаги яшил майдонда гольфчилар беллашувлари бошланиб кетади. Спортнинг бошқа тури соҳиблари каби гольфчиларимиз ҳам нафақат республика, балки жаҳон миқёсида шуҳрат қозонишадди, деб умид қиламиз.

ФУТБОЛИМИЗ ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ

Футбол — миллионлар ўйини. Спорт ва санъатнинг ажиб уйғунлиги мужассам бўлган бу ўйинни севмай ҳам кўринг-чи?

Иккидорли мутахассис, «Трактор» жамоаси бош мураббийи Равшан ХАЙДАРОВ билан қилган мусохабамиз ҳам ўзбек футболни, хусусан, жамоанинг бугуни ва эртаси хусусида бўлди.

— Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ футболга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бевоқифият мамлакатимизда футболни, унинг ривожини ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи ҳужжатлар қабул қилинди. Яқинда, иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида Президентимиз томонидан ўзбек футболни, унинг бугуни, келажаги тўғрисида, хусусан, «Пахтакор» жамоасининг айна кунлардаги аҳоли тўғрисида жуда ўринли сўзлар айтилди...

— Албатта, ҳурматли Президентимизнинг қўнишлари беҳиз эмас. Зеро, ҳукуматимиз, Президентимизнинг бу юксак эътиборидан назаримда тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Шунинг учун ҳам чемпионатимиз савияси, футболчиларимиз маҳорати кутилган даражада эмас. Халқаро майдонлардаги натижаларимиз ҳам шунга яраша бўлмоқда.

«Пахтакор» тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин. У бизнинг гуруҳимиз, ифтихоримиз эди. Аммо, унинг бугунги аҳолига ҳавас қилиб бўлмайди. Ўзининг гувоҳсиз, 7-8 нафар етакчи футболчиларига кетиб қолиши биланқоқ жамоа муваффақиятсизликларга юз тутди. Демак, клубда ўсиб келаётган ёшлар билан ишлаш қониқарли эмас. Етакчи футболчилар ўрнини босадиган иккидорли ўринбосарлар йўқ. Менимча, бу фақат «Пахтакор»нинг эмас, бутун Ўзбекистон футболнинг касали. Бу хасталиқдан тезроқ қутулибгина футболимиз ривожига умид боғлашимиз мумкин. Пойдеворсиз уй қуриб бўлмагани-

болчилар, ўринбосарлар билан ишлаш қай аҳволда? — Ҳозирги асосий таркибининг деярли тенг ярмини ўринбосарлар — жамоамиздан етишчилар ташкил этади. Масалан, А.Рисқуллоев, В.Ҳалимтөев, Р.Мўминжонов каби умидли футболчиларимиз яқин-ақингача ўринбосарлар таркибидан эдилар.

Ҳеч ким футболчи бўлиб туғилмайди. Футболга меҳри баланд ёшларни тарбиялаб, тўғри йўналтириб борсақгина улардан келажакда маҳоратли футболчилар чиқади. Менга алам қиладигани шуки, баъзи ёшларимиз энди кўзга кўриниб қолганида бошқа жамоаларга кетиб қолишмоқда. Мана сўнгги 2-3 йил мобайнида қанчадан-қанча футболчиларимиз жамоани тарк этишди. Униб-ўсди, маҳорати ошди, энди жамоага фойдаси тегади, деганда бошқа клубларга ўтиб кетишларга чек қўйиш керак. Шунга эришсақгина жамоалар ўртасида соғлом рақобат юзага келади.

— Кўпчилик «Трактор»ни «ўртамиёна» жамоа сифатида билади. Сизнингча, бунинг сабаблари нимада? Қолаверса, жамоа кучлилар сафига

ЮКСАК, ЎЗБЕК КУРАШИ!

Ўзбек кураши. Унинг дунё бўйлаб қанот ёзганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ шу қисқа давр мобайнида ўнлаб хориж мамлакатларида кураш федерациялари иш бошлади. Қитъа ва халқаро кураш ассоциациялари уларнинг бошини қовуштирди. Миллий кураш бўйича турли мамлакат ва қитъа биринчиликлари, I Жаҳон чемпионати зўр муваффақият билан ўтказилди. Бир сўз билан айтганда эса кураш дунёдаги энг ҳалол беллашув сифатида тан олинди.

Хабарингиз бўлса, яна 33 кундан сўнг, халқаро миқёсдаги катта кураш байрами бошланади. Шу йилнинг 12-17 июл кунлари Анталия шаҳрида ўзбек кураши бўйича II Жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. 60 дан ортиқ мамлакатлардан спортчилар иштирок этиши кутилаётган мазкур чемпионатда Ватанимиз шарафини М.Маҳмудов, Б.Авазов, Т.Муҳаммадиев, Э.Маҳмарасулов ва И.Аҳмедов каби полвонларимиз ҳимоя қилишадди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, II Жаҳон чемпионатида хотин-қизлар ҳам голиблик учун кураш олиб бордилар. Айнан шу ҳол, чин маънода дунёга юз очганига андиғина 2 йил бўлган курашнинг энг катта ютуғи деб баҳоланмоқда.

Чемпионат дастурига кўра эркаклар уч хил — 73, 90 ва мулқаз ваэн тоифаларида беллашсалар, аёллар ўртасидаги мусобақалар эса 63 килограммгача вазнда ўтказилади.

Қувончлиси шуки, Буюк Британия, Россия, Япония, Нигерия, Исроил, Белоруссия, Болгария, Грузия, Таиланд, Греция, Ҳиндистон, Замбия, Ирландия сингари мамлакатлар полвонларини ўзига жалб этган ушбу жаҳон биринчилиги, узоқ Африканинг Мауритус ороли аҳолисини ҳам эътиборсиз қолдирмади. Халқаро Кураш Ассоциациясининг хабарига кўра, бу ерлик Долли Кеплинг Нумасеявий хоним ва 73 кг вазнлилар билан куч синашмоқчи бўлаётган Майк Маунава расман мусобақаларда қатнашиш истагини билдиришган.

ҲАҚИҚАТ ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ

кўйилиши учун ҳозир қандай ишлар амалга оширилмоқда? — Гапингизда жон бор. Футболчиларимиз маҳорати, жамоанинг ўйин савияси ҳақиқатан ҳам ўртача.Тўғри, бошқа клублардан кучли футболчиларни таклиф этиб «Трактор» ҳам юқори ўринларга даъвогар бўлиши мумкин. Бироқ бундан кимга фойда-ю,

иккинчи даврдан таркибимиз анча мукамаллашиб ўз ўйинимизни топиб борамиз.

— Ўтган йили Германияда, Халқаро мураббийлар тайёрлов олийгоҳида ўқиб қайтингиз. Германия таассуротлари билан ўртоқлашсангиз.

— Ёш тренер сифатида у ердан кўпроқ ўрганиб, кўпроқ маълумотлар олиб қайтишга ҳаракат қилдим. Ҳозир ўрганганларимни секин-аста «Трактор»да синаб кўраяпман. Лекин футболда бирданига зафар кучиб бўлмайди. Бунинг учун маълум вақт ўтиши лозим бўлади.

Уч қарра жаҳон чемпиони бўлган немис футболчи ортиқча таърифга муҳтож эмас. Фақат бир нарсани айтиш лозимки, Германия футболда жисмоний тайёргарликка кўпроқ эътибор қаратилади.

Менимча, биз ҳам жисмоний ҳамда тактик ва техник тайёргарлик уйғунлигига эришимиз керак.

— Клубнинг ҳомийлар билан алоқаси қандай? Умуман, футболчилар маошларини, мукофотларини ўз вақтида олаётиларми?

— Бу масалада мен М.Улуғбек тумани ва Трактор заводи раҳбарларига ўз миннатдорчилигимни билдиришим керак. Биз футболчиларимизга «олтин тоғлар ваъда қилмаймиз, лекин айтилган миқдордаги мукофот ва маошларини ўз вақтида бериб туришимиз.

Яна шуни қувонч билан айтишим керакки, стадионимизни таъмирлаш, футболчилар ва томошабинлар учун керакли шароитлар яратиш мақсадида жиддий ҳаракат бошланди. Уйлайманки, бу муаммо тезда ўзининг ижобий ечимини топади.

Мақсадимиз «Трактор» муҳлисларини хушнуд қилиш ва ишонтириб айтманки, бу йўлда бутун қуч-ғайратимизни аямаймиз.

Сухбатдош: Камол ОЛЛОЁРОВ.

МУҲАЖЖИМЛАР МАЪБИРИ

КҮЙ (22 март - 21 апрел) Хатти-ҳаракатингизга қаршилиқ кўрсатувчилар, ҳасадгўйлар кўпаяди. Оқибатда ишларингизда чигалликлар пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳол сизни гезабга солади. Жиддий ташвишга тушасиз. Аммо сизга ҳасад билан қаровчилар борлигининг ўзи танлаган йўлингиз тўғрисидаги кўрсатади.

БУЗОҚ (22 апрел - 21 май) Бир маромда кетаятган ишингизда тўғаноқ бўлади. Бунга фақат ўзингиз айбдорсиз. Ҳаммани ўзингиздек билиб, сирингизни ошқор қиларманг. Бу ҳафта ҳатто энг яқин, сирдош кишингизга-да ҳамма гапни айтверманг. Эришган ютуғингиз хусусида ҳам фақат оила аъзоларингиз билан ўртоқлашсангиз кифоя.

ЭГИЗАКЛАР (22 май - 21 июн) Бу кунларда романтик туйғулар ёшу қарига бирдай «саховат» кўрсатиши кутилмоқда. Бу йўлдан ўзингизнинг ҳолати билан боғлиқ, шу боис қандай ёшда бўлишингиздан қатъий назар (балогат ёши назарда тутиляпти, албатта), эхтиросларингиздан уялманг, ҳар бир ҳаракатда меъёрни бузманг.

ҚИСКИЧБАҚА (22 июн - 21 июл) Шу кунларда мулжалланган юмушларингизни белгиланган муддатда бажармасангиз, ишингиз илгари силжимайди. Нуджадан калаванинг учини йўқотиб, саросимага тушасиз. Ёш бўлсангиз, ишондангай ўзингиздан катталарга ташаббускорлигингизни кўз-кўз қила кўрманг, муваффақиятсизликка учрайсиз.

АРСЛОН (22 июл - 21 август) Кўлдан буён муаммо бўлиб келаётган ишларингиз ижобий ҳал бўлиши учун бирмунча имконият пайдо бўлади. Буни илғаб ололсангизгина муваффақият сизники. Ақс ҳолда эски ҳаммом, эски тос бўлиб қолаверадди. Шу сабабли ҳар бир кунни ўта зийраклик билан бошланг.

СУНЕБУЛА (22 август - 21 сентябр) Душанбада ўтган ҳафта бажарган ишларингизга сарҳисоб ясанг. Галдаги юмушларнинг иккинчи даражалисини аниқланг. Энг зарурларини пайсалга солмасдан бажаришга кири-

шинг. Шундангина катта муаммоларни осонгина ҳал этиш имкони пайдо бўлади. Сезгингиз алдамайди.

ТАРОЗИ (22 сентябр - 21 октябр) Йўлингизга тўсиқ бўладиган жиддий муаммо йўқ ҳисоби. Фақат душанбада, моддий, молиявий масалаларни бирийўла ҳал этишга кириша кўрманг. Ана шундангина ҳафта осийишга ўтади. Шерикчилик асосида ишловчилар сешанба, чоршанба кунлари ўзлари учун манфратли шартнома тузишлари мумкин.

ЧАЁН (22 октябр - 20 ноябр) Ҳафта бошида сизда ишчанлик кайфияти сезилмайди. Ўз кўчингизга ишонсизлик, ланглик, ҳадик сингари туйғулар устунлик қилиши эҳтимоли бор. Бу ҳолни қатъий ҳаракат билан енгишга уриниб кўринг. Ақс ҳолда яқинбағача фаолиятингизда унум сезилмайди, ўзингиз кўним ҳам тополмайсиз.

ЁЙ (21 ноябр - 20 декабр) Аҳён-аҳёнда фёлингизда пайдо бўлиб турадиган жиззакилик панд беради. Ўзингизни бошқаларга кўз-кўз қилиш сингари кайфияти енгишга урининг. Ҳаётдан нолийдиган бирор ҳол юз бермайди. Бировга қарз беришингиз мумкин. Аммо илгари қарз берган бўлсангиз, уни қиламанг. Бу сизга яхшилиқ келтирмайди.

ЭЧКИ (21 декабр - 20 январ) Бу кунларда иш жойингизда ўта фаоллашмаганингиз маъқул. Негаки, муҳитни ҳар галгидек ҳис этиб, ҳаттога йўл қўйишингиз эҳтимолли кучли. Айнан шундай ҳолатни кутиб юрган рақибларингиз оёвингиздан қилиб юборишлари мумкин. Энг ёмони, сизни ёмон отлик қилишга уринишадди.

КОВҒА (21 январ - 19 феврал) Сизни кўп вақтдан буён чалғитишга ҳаракат қилаётган кучларнинг ўзлари бу ҳафта йўлдан озиб кетишадди. Шу тўғрисида ишларингизда жиддий силжиш юз бериши кутилмоқда. Буни ўзингиз яққол сезмайсиз. Аммо ҳаётингизда қандайдир ижобий силжиш содир бўлганини англамаслигингиз мумкин эмас. Ҳар ҳолда - яхши!

БАЛИҚ (20 феврал - 21 март) Узоқ йўлга чиққанда, тоғда сув бўйида дам олганда эҳтиёткорликни унутманг. Кутилмаган ҳолатда жиддий шикастланишингиз хавфи йўқ эмас. Шунингдек, ўзингиз билмаган кишилар маслаҳати асосида кўнглингиз мойиллик бермаган бирор ишга кўл урмаслигингизни маслаҳат берамиз.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЙМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Мақсима: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий аълоди 14.002 нусха. Сотууда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт — матбаа концерни босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилади 22.20